



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллик шодиёналари муносабати билан жойларда турли байрам тадбирлари, маданий-маърифий кечалар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлар Тошкент вилоятининг Зангиота ва Куйи Чирчиқ туманларидаги маданият ва истироҳат боғларида ҳам бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоят ҳокимлиги ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган маданий-маърифий тадбирларда пойтахтдан келган таниқли санъаткорлар ва вилоят академик ва халқ бадийи жамоалари, «Шош наволари» ва «Наврўзи ажа» ашула ва рақс ансамбли ижросидаги Ватан, истиқлол, тинчлик, ёшлик ва муҳаббатни тараннум этувчи қўшиқлар иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишлади.

● Навоий вилоятида «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» шиори остида ўтказилган аёллар спорт фестивалида 300 нафардан зиёд хотин-қиз иштирок этди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, вилоят ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни спортга кенг жалб этиш орқали жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

● Фарғонада маҳалла институти фаолиятини янада такомиллаштириш, ташкилий ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, унинг фуқаролик жамияти институти сифатидаги ролини кучайтириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Сомали пойтахти Могадишо шаҳрида рўй берган кучли портлаш натижасида камида олти киши ҳалок бўлди. Портлаш шаҳар марказида, «Жазира» меҳмонхонаси яқинида содир бўлган.

● Хитойнинг Zhuoda Group компанияси 3D-принтерда чоп этилган модуллар асосида икки қаватли уй қурди. Уй 3D-принтерда чоп этилган олти панелдан иборат — мазкур панеллар қурилиш майдонида олиб келиниб, кран ёрдамида меҳмонхона, ётоқхона, ошхона ва ваннахонадан иборат ягона конструкцияга айлантирилди. Бинони «қуриш» учун атиги уч соат вақт сарфланди.

● Lexusнинг Австралидаги бўлими мутахассислари RC F спорткарининг янги модификациясини ишлаб чиқди, у ҳайдовчининг юрак уриши билан синхронлаша олади. Махсус ёруғлик диодли панеллар ёрдамида юрак уриши ритмида ёруғлик таратади. Бу бир нечта технология ёрдамида амалга ошди. Ҳайдовчига уланган махсус юрак уриши монитори сигналларни санайди ва уларни Arduino control board бошқарув платасига жўнатади. Сўнг сигналлар ёруғлик диодларини тўғри режимда ишлашга ундайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2015 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон иқтисодиётида инқирозли ҳодисалар ҳамон давом этаётган ва халқро бозордаги беқарорлик шароитида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан жорий йил 16 январда бўлиб ўтган Республика Ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифа ва устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар шу йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда мустаҳкам иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш ва макроиктисодий барқарорлиқни таъминлаш имконини берди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни янада кенгайтириш ва келгуси йилларда иқтисодиётимизни барқарор юксалтириш учун мустаҳкам пойдевор яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислох қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастури ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислох қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш бўйича қабул қилинган дастур ҳусусий мулкни ишончли ҳимоя қилиш, иқтисодиётда унинг улуғи ва аҳамиятини ошириш, замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия истеъмоли ҳажминини камайтириш ҳамда энергия тежайдиган технологияларни жорий этишга қаратилган еттига ўзаро боғлиқ стратегик дастурий ҳужжатни ўз ичига олган.

Дастурнинг ушбу ҳар бир муҳим йўналиши бўйича ўтган даврда барча давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг дастурда белгилаб берилган чора-тадбирларни ўз вақтида бажариш, уларнинг самарадорлигини ошириш ва тасдиқланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш борасида мувофиқлаштирилган ҳолда фаолият юритиш таъминлашга доир комплекс тадбирлар ишлаб чиқилди.

I. Етакчи саноат тармоқларини таркибий ўзгартиришни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, модернизация қилиш ва фаол диверсификациялаш ҳисобидан макроиктисодий барқарорлиқни мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини янада ошириш

2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифа ва устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, шунингдек, иқтисодиёт ва унинг тармоқларини ислох қилиш, таркибий ўзгартириш ҳамда диверсификациялашнинг ўрта муддатли дастурлари изчил бажарилиши самарасида жорий йилнинг биринчи ярмида барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш, макроиктисодий мувозанат ва асосий макроиктисодий кўрсаткичларнинг ижобий ўсиши таъминланди.

2014 йилнинг биринчи ярмига нисбатан ялпи ички маҳсулот ҳажми 8,1 фоиз, саноат маҳсулотлари 8,1 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳажми 6,5 фоиз ўсди. Макроиктисодиёт барқарорлигини янада мустаҳкамлаш давлат бюджетидеги профитининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз ва мамлакат ташқи савдо айланмасининг 83,4 миллион долларлик ижобий салдоси ҳамда солиқ юқини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17,7 фоиздан 17,4 фоизга изчил камайтириш орқали таъминланди.

Юқори иқтисодий ўсиш суръатлари жами ички даромадни 10,8 фоиз ошириш имконини берди. Шунингдек, истеъмол талабини рағбатлантириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар чакана савдо айланмаси ҳажмининг 14,8 ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатишини 10,4 фоиз оширишда ўз фодасини топди.

2012-2016 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури ижроси доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида 7,5 мингдан зиёд хизмат кўрсатиш ва сервис объектларининг ташкил этилиши хизматлар ҳажмининг 13,1 фоиз ўсиши ва ялпи ички маҳсулотда ушбу соҳа улуғини 52,9 фоизга ошириш имконини берди (2014 йилнинг биринчи ярмида 52,7 фоиз).

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва ресурс базасини ривожлантириш бўйича 2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох этиш ва барқарорлигини оширишнинг устувор йўналишлари дастурининг амалга оширилиши жорий йил биринчи ярмида тижорат банклари умумий капиталини 24,3 фоиз ва уларнинг активларини 27,6 фоиз ошириш имконини берди. Натижада мамлакатимиз банк тизими капиталнинг етарлилик даражаси энг кам халқро стандартлардан қариб 3 баробар ошадиган, банк тизимининг ликвидлик даражаси эса энг кам талаблардан 2 баробар ортиқ даражада сақланди.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ёлқин Шамсиддинов олган сурат

Пойтахтимиздаги Турин политехника университетиди «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» кўрик-танловининг машинасозлик ва электротехника йўналишлари бўйича ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, металлургия ва машинасозлик саноати корхоналари мутахассислари, журналистлар иштирок этди.

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ЭНГ ФАОЛ ЁШ МУТАХАССИСЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Т.Тешабоев ва бошқалар жисмонан соғлом, маънан етук, Ватанимиз тақдири ва келажиги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган баркамол авлодни вояга етказишга Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юритилаётган сиёсатнинг устувор йўналишини ташкил этишини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтиришда муҳим дастуруламал бўлаётди.

Мазкур йўналишларда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда жамоат тузилмалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» лойиҳаси бунга мисолдир. Мазкур танловдан қўланган мақсад ёш авлоднинг эртанги кунимизнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялаш, турли соҳаларда фаолият юритаётган малакали мутахассисларни аниқ-

лаш, уларнинг салоҳиятини янада ривожлантириш, инновацион гоёлар, лойиҳа ва технологияларни такомиллаштириш орқали янги иш ўринлари яратишга қўмаклашишдир.

Танловнинг металлургия ва машинасозлик саноати корхоналарида бўлиб ўтган дастлабки босқичида икки юздан ортиқ ёш мутахассис иштирок этди.

«GM Uzbekistan» қўшма корхонасининг техник хизмат кўрсатиш бўлими муҳандиси Темур Маликов ана шундай ёшлардан бири. У Андижон машинасозлик институти тугатиб, ўн йилдан буён мазкур корхонада меҳнат қилмоқда. Автомобилсозлик саноатидаги замонавий илм-фан ва амалиёт сирларини чуқур эгаллаётган, хорижий тажрибаларни мукамал ўрганаётган ёш мутахассиснинг соҳада ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан боғлиқ икки юз элликка яқин тақлифи амалиётга татбиқ этилган. Бу меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш, техника хавфсизлигини кучайтиришда муҳим омили бўлмоқда. Темурнинг бу борадаги ютуқлари танловда алоҳида эътироф этилиб, машина-

созлик йўналишида «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси», деб топилди.

Президентимизнинг машинасозлик тармоғини ривожлантиришга қаратаётган доимий эътибори натижасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий машиналар нафақат юртдошларимиз, балки хорижликларга ҳам манзур бўлаётгани барчамизга фахр-ифтихор бахш этмоқда, — дейди ЎЗА муҳбирига Т.Маликов. — Бундай ютуқлар қўламини янада кенгайтириш, Ватанимизнинг дунё миқёсидаги шон-шўхратини юксалтиришга муносиб улуш қўиши биз, ёшларнинг зиммасидаги энг муҳим вазифадир.

Танловнинг ёш электротехниклар ўртасида ўтказилган йўналишида пойтахтимиздаги «Электрораппарат-электрошит» қўшма корхонаси конструктори Евгений Воеводин ғолиб, деб топилди. Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари корхоналарининг бошланғич касаба уюшма қўмиталари бўйича номинациялар ғолиблари ҳам аниқланди. Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Баҳор ХИДИРОВА

ДИЛЛАРДА ИСТИҚЛОЛ, ВАТАН СУРУРИ

Пойтахтимиздаги 23-Меҳрибонлик уйида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» шиори остида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари иштирок этди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, маънавиятини юксалтириш, иқтидорини тўла намоён этишга яқиндан қўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Турли ижтимоий акциялар, хайрия концертлари, лойиҳалар, учрашувлар миллати, тиббий ва ижтимоий аҳолидан қатъи назар, ҳар бир ўғил-қизга алоҳида меҳр-эътибор кўрсатиш, уларнинг билим олиши, қизиқиш ва интилишига кўра касб-ҳунар эгаллаши, жамиятга фаол интеграциялашувида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ёш авлоднинг эстетик дидини юксалтириш, уларда ўзига ишонч, мустаҳкам ирода каби фазилатларни шакллантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз самараларини бермоқда. Истеъдодли ўғил-қизлар турли

кўрик-танловлар, фестиваллар, спорт мусобақаларида фаол иштирок этмоқда.

Таътил кунларида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, улар онгига она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини сингдириш, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззатда бўлиш каби инсоний фазилатларни шакллантириш муҳим вазифадир. Ушбу маънавий-маърифий тадбир ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Тадбирда ўзимиз ҳам болажонлар билан бирга яйдик, — дейди Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Умида Турдалиева. — Бу каби маънавий-маърифий тадбирлар, ёш авлодга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик уларни Ватанимизга муносиб фарзанд бўлишга ундайди.

Таниқли санъаткорлар, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари, халқро фестивал ва танловларда ғолиб бўлган ёш ижрочилар, бадийи жамоаларнинг тинчлик, Ватан ва истиқлолни тараннум этувчи куй-қўшиқлари тарбияланувчиларга бир олам қувонч бағишлади.

Б.МЕЛИКУЛОВА,
ЎЗА муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2015 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

2015 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг асосий кўрсаткичлари
(2014 йилнинг шу давридагига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	108,1
Саноат маҳсулотлари	108,1
Истеъмол товарлари	113,5
Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари	106,5
Ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми	109,8
Қурилиш ишлари	118,0
Чакана савдо айланмаси	114,8
Пуллик хизматлар	110,4
Жами ҳизматлар	113,1

Жорий йил бошидан буён Марказий банк томонидан қайта молиялаш ставкасининг 10 фоиздан 9 фоизга туширилиши шу йилнинг биринчи ярмида тижорат банклари-нинг иқтисодиётга реал секторига кредит ажратиш ҳажмини 30,5 фоиз кўпайтириш имконини берди ва умумий ҳажмининг 79,7 фоизини инвестиция мақсадлари учун узок муддатли кредитлар ташкил қилди.

Хусусан, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида жорий йил бошидан буён технология уқсуна харид қилиш ва айланма капитални тўлдиратиш учун истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга тижорат банклари томонидан 2,2 триллион сўмдан ортиқ ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар кўп кредит ажратилди. Натижада жорий йилнинг биринчи ярмида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 13,5 фоиз, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари 21,6 ва ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,3 фоиз кўпайди.

Ишлаб чиқаришни таркибий ўзгариштириш, модернизация ва диверсификация қилиш, юқори технологияли муҳим ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топиштириш тезлаштириш, шунингдек, ҳудудлар саноат салоҳиятини мустаҳкамлаш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришга қаратилган фаол инвестиция сибсатининг амалга оширилиши самарасида жорий йилнинг биринчи ярмида ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажми 18 триллион сўмни ташкил қилди ва 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 9,8 фоиз ошди.

Ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари билан бирга инвестициявий фаолликнинг ўсиши қурилиш ишлари ҳажмини 18 фоиз ошириш имконини берди.

Ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 1,5 миллиард доллари ёки 21,3 фоизини хорижий инвестиция ва кредитлар (ўсиш 11 фоиз), жумладан, 1,2 миллиард доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ўсиш 10,9 фоиз) ташкил қилди. Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан иқтисодиётнинг стратегик тармоқларида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ўзлаштирилган маблағлари ҳажми 5,6 фоиз ўсди ва 225 миллион доллари ташкил этди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида ўзлаштирилган энг кўп инвестициялар ҳажмини ҳўжалик субъектларининг ўз маблағлари ташкил қилди (умумий ҳажмининг 32,3 фоизи) ва бу кўрсаткич 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 31,8 фоиз ўсди. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва рақобатбардорлигини ошириш бўйича тармоқ дастурлари, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлар фаол амалга оширилаётганидан далолат беради.

Жорий йил бошидан буён Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 160,9 миллион долларлик 63 лойиҳа амалга оширилди. Махсус ташкил этилган индустриал зоналарда 2015 йил бошидан буён умумий қиймати 16,1 миллион долларлик 5 лойиҳа, жумладан, «Жиззах» махсус индустриал зонаси ҳудудида тикув машиналари, автомобиль тормоз колодалари, метизлар, металл профиллар, полипропилен қувурлар, фитинглар, вентил ва аксессуарлар ҳамда «Навий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида бактериялар ва вирусга қарши дори препаратлари ишлаб чиқариш ҳаётга татбиқ этилди.

Умуман, мамлакатимизда жорий йилнинг биринчи ярмида 1866 ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди ва 24,8 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди. Янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ва мавжудларини кенгайтириш бўйича энг кўп лойиҳалар қурилиш материаллари саноатида (666 лойиҳа), озиқ-овқат саноатида (461), тўқимачилик ва тикувчилик саноатида (337), мебель саноатида (169), кимё ва нефтьмёё соҳасида (149) амалга оширилди.

Бундан ташқари, технология ҳараёнлар ва хомашё ҳамда материаллар сарфлаш нормаларини оқилона ташкил этиш, йўқотиш ва йўқотиш қилиш харажатларини бартараф этиш, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардорлигини оширишга доир чора-тадбирлар доирасида шу йил бошидан буён йирик корхоналарда қиймати 43,3 миллион долларлик 819 та маънан ва жисмонан эскирган ускуналар алмаштирилди. Қўрилган чоралар натижасида йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархи ўртача 9,6 фоиз камайtirилди, саноатда меҳнат унумдорлиги 6,4 фоиз оширилди ва ялпи ички маҳсулотда энергия сарфи 10,4 фоизга қисқартирилди.

Шу билан бирга, 2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфини камайитириш, энергия тежайидган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш доирасида янги О"ДСТ ISO 500001:2011 «Энергетика менежменти тизими. Фойдаланиш талаблари ва қўлланмаси» стандарти ишлаб чиқилди ва тасдиқланди, Тошкент давлат техника университети ва Бухоро муҳандислик-технология институтида янги «Энергетика аудити ва саноат корхоналарини энергетик тадқиқ қилиш» мутахассислиги бўйича ўқув йўналиши ташкил этилди.

Республика инновация юғялари ва ишланмалари ярмаркалари давомида тузилган шартномалар доирасида 2015 йилнинг биринчи ярмида 3 ишланма бўйича янги технологиялар ишлаб чиқаришга жорий этилди, 17 ишланма бўйича саноат-тажриба маҳсулотлари намуналари ишлаб чиқарилди ва 2 шартнома бўйича намуналар тажриба синовидан ўтказилди. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш корхоналарига 10 шартнома бўйича илмий ва таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқарилган илмлаб маҳсулотлар етказиб берилди, 15 шартнома асосида технология регламент, услуб, техник шартлар, схемалар ва бошқа шу қабилар ишлаб чиқаришга доир илмий-техник хизматлар кўрсатилди.

Саноатни барқарор ривожлантириш, саноат тармоқларини диверсификация қилиш ва уларнинг рақобатбардорлигини оширишни таъминлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар самарасида шу йилнинг биринчи ярмида қарбамид (2014 йилнинг шу даврига нисбатан 119,2 фоиз), суперфосфат (183,9 фоиз), юк автомобиллари (127,6 фоиз), портландцемент (112,6 фоиз), шакар қуқуни (153,1 фоиз), ёрма (192 фоиз), ипак тола (163 фоиз), трикотаж буюмлар (2,1 баробар), махсус кийим (164,3 фоиз) ва бошқа тайёр

маҳсулотлар ишлаб чиқариш сезиларли равишда кўпайди. Бунинг натижасида ҳисобот даврида биржа савдоларида цемент (2014 йилнинг шу даврига нисбатан 129,5 фоиз), минерал ўғитлар (154,4 фоиз), суюлтирилган газ (119,9 фоиз), қора металл прокати (125,6 фоиз), пахта линти (135,2 фоиз) сотиш ҳажми ошди.

Бу борада юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган енгил саноат (ўсиш 114,2 фоиз), (жумладан, тикувчилик 122,8 фоиз, чарм ишлаб чиқариш 122 фоиз), ёғочни қайта ишлаш (113,8 фоиз), озиқ-овқат саноати (116,9 фоиз) (жумладан, мева-сабзавотлар 111,2 фоиз) каби қайта ишлаш тармоқлари жадал ривожланди.

Хусусан, ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари турларини кенгайтиришга доир чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида тўқимачилик соҳасида ўтган даврда 38 турдаги янги маҳсулотлар ва тайёр тикувчилик-трикотаж буюмларининг 174 янги моделини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бундан ташқари, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини чўқур қайта ишлаш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турларини кўпайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида 105 турдаги янги қандолат, консерваланган мева-сабзавот ва гўшт-суг маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажмини ошириш ва турини кенгайтириш имконини берди. Дастур доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида 608 маҳаллийлаштириш дастури бўйича қиймати 1,6 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, импорт ўринини босиш самарадорлиги 640,6 миллиондан ортиқ доллари ташкил қилди. Бу борада 585 турдаги янги маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар, жумладан, компрессор агрегатлар эҳтиёт қисмлари ва узеллари (марказдан қочирма ва поршен маҳсулотлари), мотор мойлари, гидравлика учун суюқликлар, ВГ-1,2 шахта вагончалари, ЭКГ5А ва ЭКГ20 экскаваторлари учун эҳтиёт қисмлар, «Дамас» автомобилларнинг штампаланган кузов деталлари, майиш техника бутловчи қисмлари, янги турдаги музлатгич ва совутгичлар, электр печлар, майиш чироклар, энергия тежайидган ёруғлик диодли лампалар ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Бундан ташқари, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш ва йирик саноат корхоналари учун четдан олиб келинадиган бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга доир чора-тадбирлар самарасида жорий йилнинг биринчи ярмида импорт ҳажмини 196,8 миллион долларга қисқартиришга эришилди.

Ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва рақобатбардорлигини ошириш, ташки бозорда хариддоригр маҳсулот ишлаб чиқарадиган янги қувватларни ташкил этишни рағбатлантиришга оид чора-тадбирлар натижасида жорий йил бошидан буён яна 493 янги корхона экспорт фаолиятига жалб этилди. Автобуслар, оқ цемент, лок қувурлар, гигиена буюмлари, суюқ ва газсимон аргон, лок-бўёқ маҳсулотлари, травертин ва сопол қошнлар, майиш газ, электр ва комбинацияланган плиталар, янги турдаги кабель-ўтказгич маҳсулотлари, автомобиль ўриндиқлари, автомобильларнинг штампаланган ва пайвандланган деталлари, пайвандлаш ускуналари, янги турдаги консерваланган мева-сабзавот маҳсулотлари ва бошқа қиймати 64 миллион доллардан зиёд 168 турдаги янги товарлар экспортга етказиб берилди.

Жорий йил бошидан буён мева-сабзавот маҳсулотларини саклашни моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга доир чора-тадбирлар самарасида 14,7 минг тонна сизимга эга 21 янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди, 255 минг тонна мева-сабзавот экспорт қилинди.

Умуман, жорий йилнинг биринчи ярми якунлари бўйича 1,3 миллион тонна картошка (ўсиш 109 фоиз), 2,6 миллион тонна сабзавот (108,5 фоиз), 163 минг тонна полиз маҳсулотлари (108,1 фоиз), 839,2 минг тонна мева (107,3 фоиз) ва 24,3 минг тонна узум (109,1 фоиз) етиштирилди.

21,8 минг гектар майдонда интенсив болгар ва 16,6 минг гектар ерда узумзорлар барпо этиш ҳамда уларни реконструкция қилиш, шунингдек, 501 фермер ҳўжалиги базасида 264 гектар, 9,3 минг шахсий томорқа ҳўжаликлариде 399 гектар майдонда иссиқхоналар барпо этилиши мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш имконини берди.

Қишлоқ ҳўжалигини техник ва технология янгилашга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида 2015 йил бошидан буён чорвачиликни ривожлантириш бўйича қорамоллар умумий сони 57,5 минг бош бўлган 2,4 мингдан ортиқ лойиҳа, паррандачиликни ривожлантириш бўйича паррандалар сони 11,9 миллион бўлган 800 лойиҳа, балиқчиликни ривожлантиришга доир 864 ва асаларичилик ҳўжаликларини ривожлантириш бўйича 916 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Натижада ўтган даврда қорамоллар умумий сони 11,1 миллион бошга етди (2014 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 103,1 фоиз), 944 минг тонна гўшт (106,5 фоиз), 3,9 миллион тонна суг (106,8 фоиз), 2,8 миллиард дона тухум (111,6 фоиз) етиштирилди.

II. Ривожланган инфратузилма, биринчи навбатда, ахборот-коммуникация тизимларини ташкил этиш, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация қурилишини ривожлантириш

Жорий йилнинг биринчи ярмида 2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастурига қиритилган лойиҳаларни жадал амалга ошириш бўйича самарали чора-тадбирлар бажарилди.

Шу қаторда, темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш доирасида 16 инвестиция лойиҳаси, жумладан, Ангрен-Поп элеклантирилган темир йўл линиясини барпо этиш, Тошкент-Самарқанд ва Самарқанд-Қарши темир йўл линиялари участкаларида тез ҳаракатланидиган йўловчи поездлари қатновини йўлга қўйиш, Самарқанд-Бухоро ва Мароқанд-Қарши темир йўл участкаларини электрлаштириш, Қарши вокзалини реконструкция қилиш лойиҳалари амалга оширилди. Транспорт таркибини янгилаш мақсадида локомотивларнинг 25 секциясида капитал таъмирлаш-қайта тиклаш ишлари бажарилди, 1031 юк вағони таъмирланди ва қайта тикланди, 221 юк ва 10 йўловчи ташуи вағони ишлаб чиқарилди.

Ўзбекистон миллий автомагистрालи таркибига қирадиган автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш объектларида шу йилнинг ўтган даврида 497,3 миллиард сўм, жумладан, Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобида 297,2 миллиард сўм ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қаролати билан хорижий заёмлар ҳисобида 80,5 миллион доллар ўзлаштирилди.

Аҳолининг сифатли ичимлик сувидан фойдаланиш даражасини ошириш ва аҳоли пунктларининг санитария ҳолатини яхшилаш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг ўтган даврида халқаро молия институтларининг 48,6 миллион долларга тенг маблағи ва Давлат бюджетидан 191,2 миллиард сўм ўзлаштирилди. Мамлакатини

мизда жами 1033,4 километр, жумладан, қишлоқ жойларда 864 километр сув қувурлари тармоғи фойдаланишга топширилди.

Шу йилнинг ўтган даврида 2013-2020 йилларда телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш давом этирилди. Дастур доирасида йил бошидан буён кенг полосоли фойдаланиш учун мўлжалланган 1050 километрдан зиёд оптик-толали тармоқлар барпо этилди ва захирага олинди, 20 акциядорлик компанияси, бирлашма ва йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ҳамда бошқарув жараёнларини автоматлаштириш бўйича 38 лойиҳа амалга оширилди.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида хизмат кўрсатаётган провайдер ва операторлар сони 800 субъект-ни ташкил қилди, 290 дан ортиқ корхона дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатмоқда.

Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш ва давлат органлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро муносабатларнинг контактсиз электрон шақллари жорий этишга доир чора-тадбирлар натижасида Ягона интерактив давлат хизматлари порталига айни пайтда давлат ва ҳўжалик бошқаруви, жойлардаги давлат ҳокимиятининг 650 органи, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари уланган.

Жорий йил бошидан буён Ягона интерактив давлат хизматлари порталида 27,4 минг тадбиркорлик субъекти интернет орқали рўйхатга олинди, 170,8 минг боғхона юк декларацияси (умумий кўрсаткичининг 99,9 фоизи) электрон шаклда расмийлаштирилди. Тадбиркорлик субъектлари солиқ ва статистика ҳисоботларини тўлиқ электрон шаклда тақдим этмоқда. Олий ҳўжалик суди кўриб чиққан тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон шаклда тақдим этилган даъво аризалари ва илтимосномалар сони 1,7 марта кўпайди, суд иши иштирокчиларининг 34,5 мингдан ортиқ хабарномаси ва суд ҳужжатлари электрон шаклда юборилди, 2398 суд мажлиси видеоконференция режимида ўтказилди.

III. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун тўлиқ эркинлик яратиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайитириш

Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари дастури доирасида жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қафолатларини қучайтиришни назарда тутадиган норма ва тартиб-таомилларни амалда жорий этиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда бюрократик тартиб-таомилларни қисқартириш ва кичик бизнесни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 26 мартда «Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржасининг махсус ахборот портали орқали электрон савдо йўли билан тадбиркорлик субъектларидан энг зарур товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 69-қарори қабул қилинди.

Тадбиркорлик фаолияти ҳуқуқ ва қафолатларини ҳимоя қилишни янада қучайтириш мақсадида Бош прокуратура томонидан давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашини, тадбиркорлик фаолиятига тўсиқчилик қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг бузилишига доир масалалар бўйича муурожаатларни туну кун узлуксиз қабул қилиш тизимини жорий этилди.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва кичик ишлаб чиқаришни ташкил этишга қўмаклашиш мақсадида жорий йилнинг биринчи ярмида кичик бизнес субъектларига 6,4 триллион (жумладан, 1,4 триллион сўмлик микрокредит) сўм кредит ажратилди. Бу 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 марта кўпдир. Кичик бизнесни ривожлантириш учун 86,4 миллион доллар миқдориде халқаро молия институтларининг кредит линиялари ўзлаштирилди. Ўзбекистон банклар уюшмаси ҳузуридаги Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳўжатларини тайёрлашни молиялаштириш жамғармаси қўмағида кичик бизнес субъектларининг 16,7 миллиард сўмлик 24 лойиҳаси молиялаштирилди.

Хусусий тадбиркорларнинг товар-хомашё бозорларидан фойдаланишини янада кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунинг самарасида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан биржа савдолари орқали сотилган маҳсулотлар ҳажми 20,7 фоиз, харид қилинган маҳсулотлар эса 17,5 фоиз ўсди.

Давлат харидлари бўйича ўз товар ва хизматларини етказиб бериш учун аккредитациядан ўтказилган кичик бизнес субъектларининг умумий сони 2014 йилнинг шу даври билан таққослаганда 2,6 баробар ошиб, қарийб 35,6 минг субъектн ёки давлат харидлари иштирокчиларининг 98,2 фоизини ташкил этди. Электрон савдолар орқали амалга оширилган давлат харидлари умумий ҳажмининг 99,5 фоиздан ортиғи кичик бизнес субъектларидан сотиб олинди.

Кичик бизнес субъектларига ўз маҳсулотларини ташқи бозорга чиқаришда ёрдам бериш мақсадида жорий йил бошидан буён Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан 416 тадбиркорлик субъектига қиймати 512 миллион долларлик маҳсулотларни экспорт қилишга қўмаклашилди. Бундан ташқари, 38 тадбиркорлик субъектига 406 миллион сўм миқдориде моддий ёрдам кўрсатилди ва хорижий харидорларни топиш ҳамда умумий қиймати 5,6 миллион долларлик экспорт шартномаларини имзолашга ёрдам берилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари «Ўзтадбиркорэкспорт» икти-сослаштирилган ташқи савдо компанияси орқали 485 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилди. Бундан ташқари, «Ўзстандарт» агентлиги ҳузуридаги Маҳсулотлар экспортни қўллаб-қувватлаш бюроси томонидан 654 корхонага маслаҳат хизматлари кўрсатилди, стандарташтириш, метрология, сертификатлаш, аккредитация, маҳсулотлар экспортни ва халқаро ҳамда мамлакатларга оид талабларни жорий этиш соҳасида 29 халқаро битим имзоланди.

Умуман олганда, ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни янада қучайтириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи ярмида 15,2 мингта янги кичик бизнес субъектини ташкил этиш имконини берди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,3 фоиз кўпдир. Саноат ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари (умумий кўрсаткичининг 36,5 фоизи), қурилиш (11,5 фоиз), шунингдек, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида (29,8 фоиз) энг кўп кичик бизнес субъекти ташкил этилди.

Хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида кичик биз-

неснинг саноатдаги улуши 31,4 фоиз (2014 йилнинг шу даврида 28,9 фоиз бўлган), чакана товар айланмасида 86,3 фоиз (85,9 фоиз), пуллик хизматларда 47,6 фоиз (45,2 фоиз) ва бандликда 77,2 фоизга (76,8 фоиз) етди.

Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш мақсадида жорий йилнинг биринчи ярмида Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш доирасида давлат акцияларининг 104 пакети савдога чиқарилди, акцияларнинг 14 пакети хусусий мулкдорларга сотилди, шунингдек, 27 корхонада давлат улуши ҳўжалик юритувчи жамиятларнинг уст-тав капиталига берилди.

Бундан ташқари, очик савдоларда хусусий тадбиркорлик субъектларига 42 бўш ва фойдаланилмаётган давлат мулки объекти сотилди. Оммавий ахборот воситаларида «ноль» харид қиймати бўйича сотувга қўйилган 512 объектга доир танлов савдоларини ўтказиш шартлари эълон қилинди ва дастлабки савдолар якунига кўра, 141 объект 6,7 миллион доллар ва 145,1 миллиард сўм миқдориде инвестиция киритиш ҳамда 3,7 минг иш ўрни ташкил этиш шарти билан сотилди.

Корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури доирасида жорий йилнинг ўтган даврида 623 акциядорлик жамиятида акциядорларнинг умумий йиғилишлари ўтказилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 24 апрелдаги 4720-Фармонида акциядорлик жамиятларининг ташкилий тузилмасини намунавий ташкилий тузилмага мувофиқлаштириш ҳамда акциядорлик жамияти раҳбарларини танлов асосида, жумладан, хорижий менежерлар орасидан тайинлаш бўйича уларнинг низомига ўзгаришлар киритиш масаласини кўриб чиқиш бўйича белгиланган талаблар бажарилди.

Шу билан бирга, замонавий корпоратив бошқарув талаблари инобатга олинган ҳолда, Лавозим ва касбларнинг янги классификатори ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Унга 566 янги лавозим ва касб, жумладан, акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарув тузилмасини таъминлаш учун 74, ишлаб чиқариш соҳасида 383, бозор инфратузилмасида 54, ахборот-коммуникация технологиялари йўналишида 22 лавозим жорий этилди. Айни пайтда Классификаторнинг кадрлар тайёрлаш тизими ва иқтисодиёт эҳтиёжлари билан боғлиқлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир касб ва лавозим ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим йўналишларига мувофиқлаштирилди.

IV. Аҳоли бандлигини таъминлаш учун зарур шaroитлар яратиш, таълим жараёни ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш

Иқтисодий ривожланиш барқарорлигини сақлаш иқтисодиётни ислох этиш, таркибий ўзгариштириш ва диверсификация қилиш жараёнларини қучулаштириш бўйича амалга оширилаётган дастурий чора-тадбирлар билан бирга ташкил этилаётган янги иш ўринлари сонини кўпайтириш ва аҳоли бандлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмида Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури доирасида 441,8 минг иш ўрни яратилди. Шундан 274,9 минг иш ўрни (умумий кўрсаткичининг 62,2 фоизи) қишлоқ жойларда ташкил этилди. Айни пайтда саноатнинг алоҳида тармоқлари бўйича кичик бизнес соҳасида иш билан банд бўлганларнинг белгиланган сонини ошириш натижасида жорий йил бошидан буён тўқимачилик, чарм, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари саноатида қўшимча 4,7 минг янги иш ўрни яратилди.

ХАТЛАР — ҲАЁТ ОЙНАСИ

Қадрли "Оқшом" газетамизнинг мухлислари!

Яна сизлар билан "Хатлар — ҳаёт ойнаси"да дийдор кўришиб турганимиздан беҳад мамнунмиз. Ҳаётда дўсту ёронларинг, сени яхши-ёмон кўннингда қўлайдиган, ҳамisha ёнингда турадиган яқинларинг бўлса қандай соз. Инсон ҳаёт қийинчиликларини енгиб ўтишда яқинларига суянади, уларнинг моддий ва маънавий ёрдамларидан мадад олиб, олдинга интилади.

Шу ўринда айтишимиз лозимки, биз газетамиз саҳифаларида мунтазам равишда бериб бораётган, газетхонларнинг муаммо, камчиликларни бартараф этиш ҳақидаги чиқишларига айрим мутасадди ташкилотлардан жавоб ололмаймиз. Жим-жим ўтирган билан муаммо ечимини топиб қолмайдикми? Ҳар бир мурожаат ортида инсон турганини унутмайлик, дея бу мавзуга яна қайтаемиз.

Мактубларингизни кутиб қоламиз, азизлар!



Кексалар ўғити — ёшларга ибрат

Газетхон таклиф этади

ХИЁБОН БАРПО ЭТИЛСА...

Мен бир меҳнат фахрийси,
кўнглимдан кечган бир эзгу
ният ижобатидан умид қилиб
мактуб ёзмоқдам.

Аслини олганда ушбу масалани амалга ошириш катта ҳалат бўлади. Лекин бу ҳақда 2014 йил октябрь ойидан бошлаб турли мутасадди идоралар эшигини қўқдим. Ваъда беришди-ю лекин натижа йўқ.

Ҳалининг индалласини айтсам, ўзим ҳам боравериш чарчадим.

Мана сиз ҳам эшитинг: Олмазор туманидаги 24-сонли мактаб олдидаги хиёбонни замон талаби асосида таъмирлаш, ободонлаштириш, ўқийдиган бўш вақтларида болаларнинг дам олиши учун шарт-шароит яратиш, ўриндиқлар ўрнатиш, ёриш, суғориш тизимини йўлга қўйиш, мавсумий гуллар экиб чиройли ҳолга келтириш лозим. Ушбу майдончада Шастри хайкали ҳам бор. Уни ҳам таъмирлаш керак. Агар шу ерда бир чиройли хиёбон барпо этилса нур устига аъло нур бўлар эди. Шу орқали бу ерда наинки болажонлар, балки катталар ҳам маънавий дам олишарди.

Эркин УМАРХОНОВ,
Олмазор тумани, Сағбон кўчасининг
Қўштут тор кўчаси, 23-ўйда яшовчи
меҳнат фахрийси

Тахририятдан: меҳнат фахрийсининг мактуби билан танишар эканмиз, мутасадди ташкилотлар томонидан бу ишга озгина масъулият билан ёндошилса масаланинг ечимини топишга ишонамиз.

Кексаларни ҳурмат қилиш, эъзозлаш ва уларга доимо ғамхўрлик қилиш, ота-онага меҳр-муҳаббат кўрсатиш, қадрлаш, иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлиш халқимизга хос бўлган қадриятлардан саналади. Дарҳақиқат, халқимиз азалдан болажон. Фарзанди дунёга келгач, бир олам орзу-ниятлар билан кўзи, қошига термулиб, кипригига гард кўндирмай вояга етказди. Дунёдаги жамики яхши нарсаларни унга илинади.

Инчунун инсон зоти шундай яралган — ўзи емаганини боласига едиришни, ўзи киймаганини фарзанди аржумандига кийдиришни, ўзи кўрмаганини зурриёди кўришини хоҳлайди. Шунга эришишни умрининг мазмунига айлантиради. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ҳўш, ота-оналарнинг бундай саҳийлигидан муддао, мақсад нима?

Ҳеч бир муболағасиз, ишонч билан айта оламизки, мақсад ҳолис бир ниятга қаратилган: ўзидан яхши бир из қолдириш, авлодини давом эттириш. Ҳеч қандай таъма ва муддао йўқ, ота-она фарзандининг камолини кўриб, кўзи қувончга тўлади, эришаётган ютуқларидан боши кўкка етади.

Айтиш мумкинки, ота-она ва фарзандлар орасидаги меҳр-муҳаббат узилмас, мустаҳкам ришталар билан боғланган...

Аммо, афсуслар бўлсинки, ҳаётда турли тақдирлар қисматини эшитиб ёки гувоҳ бўлиб, шундай ҳулосага келмоқдамиз. Айрим фарзандлар ва ота-она ўртасидаги бу ришта иплари арзиманган ҳаёт синовлари боис узилиб кетаяпти. Шу ўринда айни меҳрга, муруватга эҳтиёжманд онахоннинг дил сўзларини келтириб ўтишни лозим топдик.

"Салом болам, балки бу хатим сенинг қўлингга тушмас, балки етиб бора ҳам ўқимасан, лекин нимагадир бугун дардларимни шу хатга туширгим келди. Тақдир шундай экан, кексайиб қолиб невараларимни суюб, келинимнинг қўлидан чой ичиб ҳордиқ олиб, кексалик бахтини сураб чоғимда қариялар уйига олиб келиб ташладим. Ҳа, ўзимда ҳам айб бор, қўлларим қалтираб овқат тўқидиган одат чикардим, гоҳ-гоҳида қўлларим хиралашиб кетиб, келиним учун қадрли бўлган идиш-товуқларга беҳосдан туртилиб кетиб синадириб қўйдим. Болам, уйда қолдириб, алоҳида хонага жойлаштириб, темир идишда овқат берсаларинг мендан бахтли одам йўқ эди. Чунки у уйда невараларимни кўриб турардим. Уларни жуда соғиндим, сен туғилганимда жуда хурсанд бўлганман, суянчигим, кексайганимда менинг ғамхўрим бўлади деб. Ўғлим... яқинда кичик қизингга бешик тўй қилаётган экансан? Пулдан қийналмайсаними? Мен ҳам шу тўйга деб кўп эмас-у аммо бирон буюм олгани етadиган пул йиғиб

Бугунги кунда пойтахтимиз ва вилоятларда амалга оширилаётган катта ҳажмдаги бунёдкорлик ва ободончилик ишларидан дил яйрамоқда.

Мен яқинда ўзим туғилиб ўсган Наманган вилоятининг Чуст шаҳрига борганимда, Тошкент — Наманган вилоятлари орасида қўрилаётган поезд йўлини, унинг бир томонидаги автомобиль йўлини, ўша ерда яшаётган аҳоли ва йўловчилар учун яратилган қўлайлик ва шарт-шароитларни кўрганда мана шундай фахр ҳиссини туйдим.

Бу имкониятлар, ғамхўрлик ва катта эътибор ҳақида ҳар қанча гурурланиш мумкин. Бизлар буни

Мен ўзим яшаб турган уйимни қизимнинг номига ўтказиб бермоқчи, яъни уйимни қизимга совға қилмоқчи бўлдим. Ҳар ҳолда 77 ёшга тўлдим, одамнинг иссиқ-совуғи бор, бир қарасанг соппа-соғсан, бир қарасанг... Шунинг учун майли-да, кейин қизим қийналиб қолмасин дея шу ишга қўл урган эдим. Эҳ, бу ишнинг югур-югурлари шунчалик кўп эканки, охирига ҳали ҳам етганим йўқ. Нега, деб сиз ҳам қизиқасизми?

Айтсам тилим, айтмасам дилим...

СОДДАЛАШТИРСА БЎЛМАЙДИМИ?

Унда эшитинг: уйни расмийлаштириш, нотариусга бориш учун иссиқ сув, совуқ сув, электр, маиший чикинди, газ, коммунал тўловлардан қарзингиз йўқлиги ҳақида ва маҳалладан маълумотнома керак экан. Ҳа, майли, «хисобли дўст айрилмас», деган мақол бекорга айтилмаган дедиму маълумотнома йиғишга тушдим. Ахир бу муаммо эмас, уйлари-мизда ҳозир ҳар бир хизмат учун

хисоблагич ўрнатилган. Вақтида тўлаб турган бўлсак, маълумотномани оламизда, дея иссиқлик таъминоти корхонасига йўл олдим. Ишимнинг жуда тез битишига ишонган ҳолда маълумотнома кераклигини айтиб, эшитган жавобимдан лол қолдим. Ишонасизми, битта маълумотнома олиш учун 9 та маълумотнома топишишим керак экан. Эй-воҳ, «қучварани хом санаган эканман»,

қайга борсам, битта маълумотнома учун яна нечта маълумотнома олиб келишим кераклигини айтишди...

Бу қандай гап? Ахир бир пайтлар ишлаб чиқилган сўров маълумотномасини соддалаштирса бўлмайди?

Тўлқин НИЁЗОВ,
Шайхонтоҳур тумани,
Хувайдо кўчаси, 4-уй,
11-хонадонда истиқомат қилувчи
меҳнат фахрийси

Мулоҳаза учун мавзу

Во-дарёғим, инсон фарзандининг ёшлигида, болалиги-подшоллигида унинг инжиқликларига муҳаббат билан жавоб қайтарса-ю, вақти келиб ҳассага суянишдан ўзга чора тополмаса? Буни қандай изоҳлаш мумкин? Инсон фарзанди учун елиб-юурса, унинг юзидаги табассумни кўришга муштоқ бўлса-ю, вақти келиб бетоб бўлганида боласининг бир пиёла сув тутишга зор бўлса.

Энди яна бир ҳолатга разм солайлик. Биз Файрат ота Сиддиқов ҳамда Шохид ая Хусниддиновлар хонадонидан бўлганимизда ўзгача фойда, ўзгача тароват ҳукмрон эканига гувоҳ бўлдик. Кексалик гаштини сураётган ушбу хонадон соҳиблари юракда бир фахргурур билан ўз ҳаётлари, қилган эзгу амаллари, эришган ютуқларини набирау фарзандларига сўзлаб беришдан чарчамайдилар. Аслида инсон кўп нарсасига муҳтож эмас, унинг бахтли, тинч-тотув яшаши учун фарзандлар, неваралар ўзлари қўлга киритган ютуқларини бирга баҳам кўрсалар, шунинг ўзи кифоя. Мана шу олтинга тенг дақиқаларда ота-она умри давомида қилган ишлари, амаллари зое кетмаганлигига шукр қилади.

Дарвоқе, юқорида маҳзун ҳаётдан ҳикоя қилган баъзи кексаларимиз ҳам ўз меҳнатлари эвазига яхши ютуқларга эришганлар. Аммо улар бу ҳақда кимга ҳам фахрлининг гапира оларди, уларнинг атрофида мана шундай фарзандлари, неваралари бўлмасан... Бу отахонимиз билан аямизнинг эса фахрлинишга арзийдиган, ҳаётига ҳавас қиладиган дилбандлари бор, улар такрор ва такрор ютуқлари борасида соатлаб ҳикоя қилишади. Яратганга шукрки, ота-она дуосини олишга илҳақ фарзандлар бор, шу боис бўлса керак юртимиз обод, дастурхонларимиз тўкин-сочин.

Қиссадан ҳисса шуки, эй фарзанд, кўзингни оч, гафлат уйқусидан тур, ота-онанг тириклигида яхшиликни улардан дариг тутма. Падали бузрукворинг-у волидайи мухтарамангнинг кулоқлари оғирлашиб қолган бўлса, уларга кулоқ бўл, кўзлари хиралашган бўлса, улар сен билан дунёни кўрсин, оёқлари юрмасе, елканг уларнинг оёғига айлансин, кўллари меҳнатдан толган бўлса, сен унга қўл бўл!

Зеро, бугун сиз буларнинг барига қодирсиз. Кун келиб сизни куч-қувват тарқ этади. Шунда, ҳассага эмас, фарзандларга суянишни истасангиз, бугун ота-онангизни бағрингиздан узоклаштирманг. Уларга кўрсатган меҳрингиз эртанги саодатингизни белгилайди.

Мукаддас МАШАРИПОВА,
Улуғбек РАҲМОНКУЛОВ

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИД ДОМО БИГУР

ҲИКМАТЛАР ҲАЗИНАСИ

Бир ҳакимдан сўрадилар:
— Нима учун устозни
отангдек яхши кўрасан?
— Устоз абадий тирик-
гимнинг сабаби, отам эса
жону ҳаётимнинг сабаби,
— деб жавоб қилди у.

Олимлар: Адабсиз ақл,
ақлсиз адаб йўқ, — дей-
дилар. Демак, ақл ва адаб
бир-бирига боғлиқ. Инсон-
да ҳар иккиси мавжуд
бўлсагина, у ҳақиқий ка-
молот эгаси бўлади.

Дунё яхшилар ҳисобига
туради.

Айтадилар:

— Одоб икки хилдир:
хизмат одоби ва ҳикмат
одоби. Ҳикмат одоби
поклик ва тўғри йўлга
етақлайди. Хизмат одоби
эса юксак мартабага ет-
казади. Ҳар иккиси ҳам
улуғ фазилят.

Одамларнинг камчилиги
устидан кулиш, инсоннинг
руҳий ёки жисмоний нуқ-
сонларидан завқ олиш шу
инсоннинг ўзида нуқсон
борлигини билдиради.

Икки киши сўзлашиб тур-
ганда сўзларини бўлиш
фаросатсизлик белгиси.

Бугун қўлда бор экан
йигитликнинг даврони,
Файрат қил, оғримасин
сендан ҳеч кимнинг жони!
Яхшиликнинг баҳори
доим бир хил турмайди,
Бир кун нуқсон етару,
пайдо бўлар ҳазони!

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Миллий университети қошидаги 2-сон академик лицейи ўз ошонасини 2015-2016 ўқув йили учун соғлом овқатлантиришни ташкил қилиш мақсадида ижарага бериш учун
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Манзиллими: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, 174.
Телефон: 8(371) 246-23-17

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 2012 йил 7 февралдаги № 694-сонли ҳисоб рўйхатига олинган Яққасарой тумани Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 76-ўйда жойлашган Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси Яққасарой туман филиали (ИНН 201 800 518) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2015 йил 30 июндаги Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг Яққасарой туманидаги филиали фаолиятини тугатишга оид № 111 «Ғ»-сонли буйруғига асосан
ТУГАТИЛАДИ

Этирозлар эълон қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Юнусобод тумани, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй манзили бўйича қабул қилинади.

Спорт янгиликлари



Ислом Исмоилов олган суратлар

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗНИНГ ҒАЛАБАЛАРИ

Мамлакатимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин Швейцарияда ўтаётган Профессинал теннисчилар уюшмаси таснифига кирувчи халқаро турнирни ғалаба билан бошлади.

Нуфузли мусобақанинг биринчи даврасида ҳамюртимиз франциялик Максим Тексерага қарши кортга чиқиб, 6:0, 6:4 ҳисобида ғалаба қозонди. Энди Денис иккинчи даврада швейцариялик Хенри Лааксонен ва португалиялик Жоао Соуза ўртасидаги учрашув ғолиби билан баҳслашади.

Теннис бўйича Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси етакчиси Нигина Абдураимова эса Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида WTA туркумига кирувчи «Baku Cup - 2015» мусобақасининг саралаш учрашувларидан муваффақиятли ўтди. Нигина россиялик Ксения Ликинани 6:3, 6:4 ҳисобида, италиялик

Настасья Бёрнеттни 7:5, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратиб, мусобақанинг асосий тўр баҳсларига йўл олди.

Ёш теннисчиларимиздан Темур Исмоилов ва Санжар Файзиев ҳам Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ўтаётган «Challenge» туркумидаги теннис турнирида муваффақиятли қатнашмоқда.

Ушбу мусобақанинг биринчи даврасида Темур Исмоилов қозоғистонлик Денис Евсеевни 3:6, 7:5, 6:3 ҳисобида енгган бўлса, Санжар Файзиев франциялик Алексис Мусиалекдан 0:6, 7:6, 6:3 ҳисобида устун келди.

Жанубий Кореяда таэквондо (WTF) бўйича ўтказилган «Корея опен - 2015» турнирининг катталар, ўсмирлар ва кадетлар ўртасидаги беллашувларида Ўзбекистон терма жамоаси муносиб иштирок этиб, жами 45 медални қўлга киритди.

Дунёнинг 72 давлатидан 2000 нафардан зиёд спортчи иштирок этган мусобақанинг катталар ўртасидаги беллашувлари кескин ва муросасиз курашларга бой бўлди. Чунки ушбу баҳсда спортчилар совринли ўринлар билан бирга 2016 йилги Олимпия ўйинлари йўлланмасини берувчи муҳим рейтинг очколари учун ҳам беллашди.

Мазкур баҳсда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Жасур Бойқўзиев, Дмитрий Шо-

ТАЭКВОНДОЧИЛАРИМИЗНИНГ МЕДАЛЛАРИ

кин ва Мустафо Валиев ўз вазн тоифасида олтин медални қўлга киритиб, 20 тадан рейтинг очкога эга бўлди. Шунингдек, катталар ўртасида ўтказилган мусобақада яна бир тажрибали спортчимиз Никита Рафалович 80 килограммгача бўлган таэквондо-

чилар ўртасида бронза медал билан тақдирланди.

Мусобақанинг ўсмирлар ва кадетлар ўртасида кечган баҳсларида таэквондочиларимиз 16 тадан олтин ва кумуш, 9 бронза медалга сазовор бўлди.

Ж.ТОШХҲАЕВ

БОКСЧИЛАРИМИЗ НУФУЗЛИ ТУРНИР ШОҲСУПАСИДА

Германиянинг Галле шаҳрида бокс бўйича ўтказилган анъанавий «Chemistry Cup» халқаро турнирида терма жамоамиз аъзолари 3 олтин, 2 кумуш ва 2 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Нуфузли турнирда ўндан зиёд давлатдан юз нафарга яқин боксчи ўрта вазн тоифасида ғолиблик учун куч синашди. Вазни 49 килограммгача бўлган чарм қўлқоп усталари ўртасидаги баҳсларда қатнашган тажрибали боксчимиз Ҳасанбой Дўсматов Жанубий корейлик Ким Вон Хо, польшалик Давид Жагодзински ва финалда мўғулистонлик Ганхуяг Ган-Эрдене устидан ғалаба

қозониб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Яна бир ҳамюртимиз Абдор Қодиров вазни 52 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида тенгсиз эканини исботлади. У ярим финалда германиялик Ронни Бебликини, ҳал қилувчи баҳсда франциялик Эли Конкини мағлубиятга учратиб, биринчи ўринга сазовор бўлди.

Терма жамоамизга навбатдаги олтин медални энг оғир вазн тоифасидаги боксчилар беллашувида қатнашган Баходир Жалолов келтирди. Иқтидорли спортчимиз чорак финалда германиялик Флориан Шульцни 2:1 ҳисобида енгган бўлса, ярим финалда Жанубий Корея вакили Хуа Пиеонг Сонг ва финалда яна германиялик боксчи Макс Келлерни техник нокаутга учратди.

Ўз вазн тоифасида Муроджон Аҳмадалиев ва Бургут Ҳожибоев кумуш, Исроил Мадримов ва Рустам Тўлаганов бронза медал билан тақдирланди.

Байрам АЙТМУРДОВ,
ЎЗА мухбири

«101»

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК

Инсонларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ёнғин билан боғлиқ хавф-хатарнинг олдини олишда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг ўрни беқиёсдир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари ҳамжиҳатлик билан жазорат кўрсатиб, меҳнаткаш халқимиз ҳаётини, мол-мулкни, миллий бойлигимизни табиий офат, фалокат ва ёнғинлардан асраб, ўз хизмат бурчларини сидқидилдан адо этишаётир. Бу эса ўзининг ижобий самарасини бериб, йилдан йилга республикамиз ҳудудда бўлаётган ёнғинлар сонининг қисқаришига олиб келмоқда. Бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири турли сабаблар оқибатида юзага келувчи тилсиз ёв бўлган ёнғинларнинг олдини олиш, хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш, шунингдек, оғоҳлик ҳамда ҳушёрликни оширишдан иборат.

Аҳолининг пешона тери эвазига қад кўтарган бинолар, ташкилот, муассаса, халқ ҳўжалиги масканларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида бошқарма ва унинг ҳудудий бўлинмала-

рида аниқ белгиланган тадбирлар асосида фаолият олиб борилади. Айрим фуқаролар ўз уйларида эътиборсизлик ва масъулиятсизлик, аниқроғи табиий газдан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмасликлари оқибатида кўнгилсизликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Ҳар бир фуқаро кундалик турмушда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилса турли офатларнинг олди олинган бўларди. Ҳа, тилсиз ёв бўлмиш олов фасл, вақт, жой танламайди. Қўтилмаганда озгина эҳтиётсизлик, бепарволик оқибатида руй беради.

Ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъий риоя қилсангиз давлат ва шахсий мулкнингиз, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Дониёр МУСАЕВ,
28-ХҲХ смена бошлиғи, майор

Ёз — ўтмоқда соз

ОРОМҒОҲ — ЁЗГИ ҲАМРОҲ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маънавий тарбиёт маркази Юнусобод тумани бўлими, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Маданият ва спорт ишлари бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳамкорлигида ўтказилаётган турли-туман тадбирлар, бадиий-музика чикишлар болажонлар учун айни мўддоо бўлмоқда.

Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидаги «Транспортчи авлод» ёзги болалар дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳида жорий йилги биринчи ва иккинчи мавсумда таълим муассасаларининг 7 ёшдан 13 ёшгача бўлган жами 589 нафар ўқувчиси мириқиб хордиқ чиқарган бўлса, учинчи мавсумда 320 нафарга яқин ўқувчи ёзги таътилни мазмунли ўтказмоқда.

Оромгоҳ раҳбари Марғуба Турсунованинг таъкидлашича, мавсум давомида ранг-баранг беллашувлар, маърифий ва маданий тадбирлар, кўрик-танлов ва мусобақалар ўтказиш орқали жажжи ўғил-қизларнинг дунёқарашини янада кенгайтириш, маънавий олами-ни бойитишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Иккита залдан иборат кутубхона болажонлар билан гавжум. Улар ёши ва қизиқишига мос турли адабиётлар мўтолааси билан машғул. Кутубхона фондидаги 1 438 та рангли-суратли адабиётлар ёш китобхонлар ихтиёрида.

— Ҳар йили ёз фаслида соя-салқин ва баҳаво оромгоҳларга бориб, бир-биридан қизиқарли тўғаракларга аъзо бўламан, — дейди Учтепа туманидаги 44-умумтаълим мактабининг 4-синф ўқувчиси Бехруз Султонов. — Болалар шоири Дилшод Ражабов совға қилган китоблар ва тенгдошларимиз билан ўтказилган футбол мусобақалари менда унутилмас таассурот қолдирди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
Нигора МУРАТОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



Ҳурматли ҳамшаҳарлар!

Ҳозирги кунда телефон кабелларининг ўғирланиши оммавий тус олиб, катта муаммога айланмоқда. Кабель линияларини қасддан шикастлаш натижасида нафақат «Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали абонентлари — жисмоний шахслар жабрланмоқда, айни пайтда бу ҳол ҳокимият ва бошқарув органлари, ҳуқуқ-тартибот органлари, шовилинч хизмат, шаҳар ҳаётини таъминлаш корхоналарининг ҳам алоқа тизимларининг фаолияти бузилишига олиб келмоқда. Кабелни ўғирлаш телефон тармоғининг узилишига, Интернет тармоғи, маълумотнома-сервис ва ахборот хизматларидан фойдаланиш имкониятининг чекланишига сабаб бўлмоқда.

«Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали иншоотларни кўриқлаш масалаларини ҳал қилиш, ўз миқозлари учун алоқани шикастланишлар оқибатларини камайтириш ҳамда тиклаш бўйича бор куч ва имкониятларини ишга солмоқда.

Айни пайтда, кабеллар ўғирланишининг олдини олишда, шунингдек, ўғирларни қўлга олиш ва жазолашда аҳоли томонидан бундай хатти-ҳаракатлар ҳақида ўз вақтида хабар берилиши ўта муҳим аҳамиятга эга.

Кабелларни қасддан шикастлаш ҳолатларининг олдини олиш, шаҳар алоқа иншоотларини ҳимоялаш мақсадида «Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали фуқороларни оғоҳ бўлишга даъват этади. Шаҳар линияли-кабель иншоотларидан рухсат берилмаган ҳолда фойдаланиш, кабеллар, канализация қопқоқларини ўғирлаш ҳоллари аниқланганда **102 ёки 233-69-95** телефонлари орқали хабар беришингизни сўраймиз.



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 30 июль кунини ҳаво ўзариб туради, ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият бўлади.

36-38 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 30 июль ва 31 июль кунини эрта-лаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият бўлади, ифлосланиш даражаси — 20-22, кундузи — жаси наст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Наشري етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳрират компьютер марказида терилди ва шаҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 755

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6711 нускада босилди.
Қўзғат бичими А-2

Тошпириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

Босишга топирилди: 14.40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ